"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси 107 уй **14.10.2025й.**
"Тошкент" РФБ биноси

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни рўйхатга олиш бошланган вақт: 10-00.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни рўйхатга олиш тугаган вақт: 11-00.

Умумий йиғилишнинг очилиш вақти: 11-00 .

Рўйхатга олиш натижалари:

Жами овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жойлаштирилган оддий акциялар сони 1 828 622 донани ташкил этади. Шундан йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар сони 1 424 951 тани ёки 77,93 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишида кворум мавжуд ва йиғилишни бошлаш мумкин ҳисобланади.

Акциядорлар йиғилиш ишчи органини (Умумий йиғилиш раиси ва котиби) сайлаб олишни ва умумий йиғилиш раислигига акциядор ва Кузатув кенгаш раиси М.Хван, йиғилиш котиби сифатида А.Сайдалиевлар номзодини таклиф этди ҳамда овозга қўйди.

Овозга қўйилди:

Умумий йиғилиш раиси этиб М.Хван, йиғилиш котиби этиб А.Сайдалиев номзоди тасдиқлансин.

Овоз бериш якунлари:

"Рози" – бир овоздан, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

Қарор: Қабул қилинди

Умумий йиғилиш раиси йиғилганларга жамият Кузатув кенгаши томнидан белгилаб берилган йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси бўлган Latipov Sarvar Ilxomjon o`gli ўрнига Buribayev Shuxrat Isabayevich (Kafolat SK AJ бош менеджери), номзодини жамият кузатув кенгаши таркибига сайлаш.
3. «Мулк сармоя брокерлик уйи» АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
4. «Мулк сармоя брокерлик уйи» АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Йиғилиш Раиси акциядорларга кун тартибига киритилган масалалар бўйича маълумот олиш имкони бўлганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ўтказиш учун қуйидагича Регламентни тасдиқлашни таклиф қилди.

Кун тартиби бўйича ҳар бир маърузачига 10 минутгача, саволларга 3 минутгача вақт берилади.

Овозга қўйилди:

Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин.

Овоз бериш якунлари:

"Рози" – бир овоздан, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

Қарор: Қабул қилинди

Кун тартибидаги биринчи масала – овозларни санаб чиқиш, акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш масаласи юзасидан йиғилиш раиси Кузатув кенгаш томонидан саноқ комиссияси аъзолигига Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ҳамда А.Пулатхуджаевалар номзодлари таклиф қилинганлигини маълум қилди ва қуйидагича овозга қўйди.

Овозга қўйилди:

Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ва А.Пулатхуджаева

Йиғилиш Раиси М.Хван акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги иккинчи масала - "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси бўлган Latipov Sarvar Ilxomjon o`gli ўрнига Buribayev Shuxrat Isabayevich (Kafolat SK AJ бош менеджери), номзодини жамият кузатув кенгаши таркибига сайлаш масаласи бўйича Кузатув кенгаш раиси сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

"MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖга Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 03.07.2025 йилдаги 02/09-2-17/2010-сонли хати келиб тушган бўлиб, хатда Агентлик "MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖнинг амалдаги Кузатув кенгаши аъзолари бўлган Latipov Sarvar Ilxomjon o`gli ўрнига Buribayev Shuxrat Isabayevich (Kafolat SK AJ бош менеджери), номзодини жамият кузатув кенгаши таркибига киритишни сўраган.

Шунга кўра ҳамда Агентликнинг юқорида қайд этилган хати ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагича таклиф **овозга қўйилди**:

Latipov Sarvar Ilxomjon o`gli "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖ Кузатув кенгаши аъзолари сафидан чиқарилсин ва унинг ўрнига Buribayev Shuxrat Isabayevich Кузатув кенгаш аъзолигига сайлансин.

Йиғилиш Раиси М.Хван акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги учинчи масала – «Мулк сармоя брокерлик уйи» АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича "MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖ Бош директори С.Нурметов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.10.2025 йилдаги ПФ-178-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, қолавера бугунги кунда иш хажмларининг қисқариши ва ўзгаришларни инобатга олган холда, мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш режаси ишлаб чиқилди ва янги таҳрирдаги ташкилий тузилма ишлаб чиқилди (илова қилинади). Унга кўра, амалда 16 та бўлган ходимлар сони, иш ўринларини қисқартириш ҳисобига 12 тани ташкил этади. Шунги кўра ушбу ташкилий тузилмани тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Бош директор С.Нурметовнинг ҳисоботи тингланганидан ва тақдим этилган ташкилий тузилма акциядорлар томонидан кўриб чиқилганидан сўнг, қуйидаги таклиф **овозга қуйилди.**

"MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш Раиси М.Хван акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала – «Мулк сармоя брокерлик уйи» АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масаласи бўйича "MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖ Бош директори С.Нурметов сўзга чиқиб, жамият томонидан ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Устав

билан акциядорларни таништирди. Янги тахрирдаги Устав қуйидаги ўзгаришларни ўз ичига олган:

1 Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхури томонидан 3 йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади деган банди (20.3-банди) - **Устав матнидан чиқарилмоқда.**

2 ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ бўлими Жаҳон банкининг тавсиялари асосида 37.4 - 37.8 бандлари билан тўлдирилмоқда.

Бош директор С.Нурметовнинг ҳисоботи тингланганидан ва тақдим этилган Устав лойиҳаси акциядорлар томонидан кўриб чиқилганидан сўнг, қуйидаги таклиф **овозга қуйилди.**

"MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖнинг янги тахрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш Раиси М.Хван акциядорларга мазкур масала бўйича бюллетенларда овоз беришларини таклиф этди.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганидан сўнг йиғилиш Раиси саноқ комиссияси раиси Г.Бекназовага сўз бериб, барча масалалар бўйича йиғилган овозларни маълум қилишни сўради.

1. ***Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ва А.Пулатхуджаева.***

Овоз бериш якунлари:
"Рози" – 1 424 951 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

2. ***Latipov Sarvar Ilxomjon o`gli "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖ Кузатув кенгаши аъзолари сафидан чиқарилсин ва унинг ўрнига Buribayev Shuxrat Isabayevich Кузатув кенгаш аъзолигига сайлансин.***

Овоз бериш якунлари:
"Рози" – 1 424 951 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

3. ***"MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.***

Овоз бериш якунлари:
"Рози" – 1 424 951 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

4. ***"MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖнинг янги тахрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.***

Овоз бериш якунлари:
"Рози" – 1 424 951 та овоз ёки овоз беришда иштирок этган овозларнинг 100 фоизи, "Қарши" – йўқ, "Бетараф" – йўқ.

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Умумий йиғилишнинг уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркиби ва қуйидаги аъзолари тасдиқлансин: Г.Бекназова, Д.Аллаберганова ва А.Пулатхуджаева.

2. Latipov Sarvar Ilxomjon o`gli "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖ Кузатув кенгаши аъзолари сафидан чиқарилсин ва унинг ўрнига Buribayev Shuxrat Isabayevich Кузатув кенгаш аъзолигига сайлансин.

3. "MULK-SARMOYA BROKERLIK" АЖнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. **"MULK-SARMOYA BROKERLIK"** *АЖнинг янги тахрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.*

Йиғилиш Раиси **М. Хван**

Йиғилиш котиби **А.Сайдалиев**

Баённома имзоланган сана: 23.10.2025г.